

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 2-mart, shanba № 17 (15655)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, иқтисодий тараққий этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда углеводород хомашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари айниқса фаол ва самарали олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида амалда экспериментал равишда кенг қўламда қўлланилмоқда. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида республи-

када қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилояти ва бошқа минтақаларда иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган. Турли қувватлардаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Кўплаб олий ўқув юртлари ва касбхуна колледжларида мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шартшароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илғор технологияларни нафақат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўпланган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажрибасаноат ишланмаларини юқоридаги техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистонда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун илмий-экспериментал ва моддий-техника базаси яратилган.

(Давоми 2-бетда)



2013-yil — Obod turmush yili

## АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «ўзбек модели» бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислохотлар юрак самаралар бераётганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам ушбу муҳим вазифани изчил бажаришга қаратилган. Масалан, Давлат дастурининг

бешинчи бўлимида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимиз қишлоқларида намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар кенг қўламда қурилаётгани ва тегишли инфратузилма шакллантирилаётгани одамлар турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор

қаратилаётгани ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ёрқин далолатдир. Бундай хайрли ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2013 йилда 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта яқка тартибдаги уй-жой қуриш режалаштирилган. Бунинг учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 2012 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 54 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, жорий йилда ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилди.

(Давоми 3-бетда)

(Давоми,  
боши 1-бетда)

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фанлар Академияси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, республикада тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар Академияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси негизда Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш;

илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалдан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш;

қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятини ташкил этиш ва уни молиялаштириш манбалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Ўзбекэнерго» ДАК ва «Suntech Power Co.» (ХХР) компанияси ўртасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг тенг улушларда молиялаштирган ҳолда энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотозлектропанеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишувга эришилди.

«Ўзбекэнерго» ДАК Ўзбе-

кистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда фотозлектропанеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш бўйича бизнес-режа ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, бунда 2013 йилнинг октябрь ойида қуввати 50 МВт бўлган биринчи навбат ишлаб чиқаришни фойдаланишга топшириш, 2015 йилда лойиҳа қувватига эришиш назарда тутилсин. Бу ўринда корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эҳтиёж ва уни сотиш бозорларини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» ДАКнинг Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотозлектро станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Ўзбекэнерго» ДАК уч ой муддатда лойиҳани молиялаш манбалари сифатида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикла-ниш ва тараққиёт жамғарма-

сининг маблағларини жалб этишни назарда тутган ҳолда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда «Ўзбекэнерго» ДАКга электростанцияни қуриш ва жойлаштиришни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясини қўллаш бўйича экспериментал ва пилот лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республика-

си Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги халқаро экспертлар иштирокида икки ой муддатда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбекэнерго» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 ярим йиллигида Вазирлар Маҳкамасига «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 1 март

**И.КАРИМОВ**

## Вафо ва садоқат тимсоли

Қорли-қировли кунларни ортда қолдириб, интиқиб кутганимиз — баҳорга етишдик. Осмонда Қуёш чарақлаб, барчани тароватли ва фусункор фаслнинг ташрифи билан муборакбод этарди гўё.

Неча йилдирки, юрти- мизда баҳорнинг илк кунини Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним Исроилованнинг таваллуд кунини билан қўшалок нишонланади. Атоқли шоиранинг Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган ҳайкали пойига гулчамбар қўйилиб, унинг порлоқ хотираси ёдга олинади.

Анъанага кўра, бу йил ҳам Зулфияхоним ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фан, таълим, маданият ходимлари, таниқли ёзувчи-шоирлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари ва ёшлар ишти- ретди.

Истеъдоди буюк шо-



иранинг лабларида та- бассум, юзларида улғу эҳтиром жилваланган шогирдлари, издошлари сўзга чиқиб, Зулфияхонимнинг ўрнакка муносиб ҳаёт йўли, инсонийлик, муҳаббат ва садоқат каби туйғулар юксак тараннум этилган шеърятини ҳақида сўз юритишди. Ёшлар шоиранинг

гўзал шеърларидан намуналар ўқишди.

— Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида Зулфияхонимни Шарқ аёлининг ақлу закоти, фазлу камолини ўзида мужасам этган ёрқин сиймо, деб таърифлаган. Бу устоз шоира сиймосига муносиб эҳтиромдир, —

деди тадбирда иштирок этган Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ситора Барлибоева. — Ушбу тадбир биз, ёшларга атоқли устозимизнинг ҳаёти ва ижоди билан янада яқинроқ танишиш, унинг бой адабий меросидан баҳраманд бўлиш имконини берди. Қолаверса, бу каби адабий

суҳбатлар тенгдошларимизда «оммавий маданият»га қарши мустаҳкам маънавий иммунитет ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун Зулфияхонимнинг ижоди жамланган китоблар ҳамон юртдошларимиз кўнгилларига вафо, садоқат, матонат, эзгулик зиёсини улашяпти. Президентимизнинг «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонида биноан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, айти пайтгача 182 нафар истеъдодли кизнинг шу мукофотга муносиб кўрилгани ҳам атоқли шоира сиймосига кўрсатилган юксак эҳтиром рамзидир.

Тадбир сўнггида шоиранинг порлоқ хотирасига авлодлар эҳтиромни рамзи сифатида Зулфияхоним ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди.

**Хайриддин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири.**

Сардор Муллажонов олган суратлар

# АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

(Давоми,  
боши 1-бетда)

Аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлашни янада яхшилаш турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида қишлоқ массивларида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган. Андижон, Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Фарғона ва бошқа бир қатор шаҳарларда, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, сув таъминоти ва канализацияни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Минтақалараро сув ўтказгич иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳудудлар аҳолисини ишончли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига киради. 2013 йилда Талимаржон иссиқлик электр станциясидан «Сўғдиёна» ПСгача 215,8 километр узунликда 500 кВ юқори кучлинишли электр узатиш линияси қурилади. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриладиган қишлоқ массивларида узунлиги 239,4 километр 0,4-10 кВ юқори кучланиш линияси қурилади ва 155 трансформаторли кичик станциялар ўрнатилди. Мамлакатимиз ҳудудларида узунлиги 1775,6 километр 0,4-10 кВ юқори кучланиш линияси ва 434 трансформаторли кичик станцияларни реконструкция қилиш, узунлиги 9312,3 километр шундай электр узатиш линияларини ҳамда 4753 кичик станцияни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Давлат дастурида ҳудудлар аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада 254 километр газ тақсимлаш тармоқлари қурилади ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси тасарруфидаги газ тақсимлаш тармоқларининг 280 километри капитал таъмирланади. Якка тартибдаги 353 қишлоқ массивларида узунлиги 393,65 километрли газ қувурларини ўтказиш кўзда тутилган.

Аҳолининг иссиқлик билан таъминлашни даражасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда мамлакатимизнинг 28 йирик шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тасдиқланган ҳамда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган.

Жорий йилда 16 шаҳар ҳамда 67 туман марказларида коммунал дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, насос ускуналари

модернизация қилинади, янги кудуклар ишга туширилади ва улар тегишли равишда жиҳозланади.

Одамлар турмуш сифатини ошириш кўп жиҳатдан шаҳар ва қишлоқларда замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўлларининг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтириш, йўл қопламаси сифатини яхшилаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ.

Давлат дастурига мувофиқ маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган 137,3 километр автомобиль йўллари капитал таъмирланади, 353 қишлоқ жойдаги намунавий уй-жой массивларига олиб борадиган 239,1 километр узунликдаги янги автойўллар қурилади. Самарқанд, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарларида узунлиги 39,7 километр кўчаларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий автомагистрالی таркибига кирадиган М-39 «Тошкент-Термиз» ва 4Р-87 «Ғузур-Чимкўқдала» автойўли реконструкция қилинади.

Жорий йилда транспорт инфратузилмаси ҳам янада ривожлантирилади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 48, шу жумладан, қишлоқ жойларда 42 янги йўловчи ташиш йўналишларини очиш режалаштирилмоқда. Автобус парки ҳам янгиланади. 400 та «Исузу» ва 100 та «Мерседес» русумли автобуслар харид қилинади.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун ўн та автовокзал ва тўртта автостанция ҳудудини ободонлаштириш кўзда тутилган. Жамоат транспорти тўхтайдиган бекатларнинг қиёфаси замонавий талабларга мос бўлиши учун улар капитал таъмирланади. Тошкентда кўшимча равишда 50 та махсус жиҳозланган йўналишсиз таксилар тўхташ жойларини барпо этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳудудларда автомобилларга газ тўлдиргич 26 компрессор станциясининг қурилиши транспорт хизматини такомиллаштириш, ёқилғи нефть маҳсулотларини тежаш ва экологик вазиятни янада яхшилаш имконини беради. Бу ишлар Давлат дастурида режалаштирилган ҳамда энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жадал жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг муҳим қисмидир.

Масалан, жорий йилда бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида «Навоий» эркин иқтисодий индустриал зонасида фотоэлектр панеллар, 10 минг дона замонавий, самарали иссиқлик ва сув иситиш қозонларини ишлаб чиқариш ташкил қилинади. «Ангрен» махсус индустриал зонасида эса энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар ишлаб чиқарадиган қўшма кор-

хонани ташкил этиш режалаштирилган.

Йилнинг асосий қисмини қўёшли кунлар ташкил этадиган мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш катта истиқболга эга. Давлат дастурида Қорақалпоғистон Республикасининг 17 қишлоқ врачлик пункти ва битта туман марказий шифохонасини шундай қурилмалар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда энг илғор, шу жумладан, ахборот технологиялари қўлланилмоқда ва бу уларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш, Хоразм, Жиззах, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ана шундай имкониятларни янада кенг рўёбга чиқариш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакатимизда одамлар турмуш сифатини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳисобидан уларнинг даромадини кўпайтиришга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларнинг муҳим қисмидир. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳудудларида чакана савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Аввало, қишлоқ жойларда бундай объектларни қуришга оид ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилади. Қишлоқ массивларида якка тартибдаги уй-жойлар қуришда бир пайтнинг ўзида «ғузур» шаклидаги чакана савдо ва савдо-машиини комплекслар, шунингдек, бундай массив ва, умуман, қишлоқларда 966 чакана савдо шохобчаси ҳамда 260 умумий овқатланиш корхонасини қуриш режалаштирилган. Жойларда замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган қолипчи нон ишлаб чиқариш цехлари очилади. Чекка ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли учун кўчма автодўконлар ташкил этилади.

Озиқ-овқат товарлари, жумладан, йод танқислиги касалликларининг олдини олишга ёрдам берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Масалан, 2013 йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги «Кўнғирот натрий сульфат» шўъба корхонасида йодланган ош тузи ва мамлакатимиз саноти учун зарур натрий сульфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шундай қилиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг барча муҳим йўналишлари қамраб олинган. Мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизни жадал ривожлантириш асосини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаёт сифати ҳамда даражаси, унинг фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЎЗА

Тошкент давлат юридик институтида «Ёш ҳуқуқшунос» талабалар газетасининг нишон сони нашрдан чиқди. Янги ташаббус институт «Камолот»чиларига тегишли.



## Талабалар учун янги нашр

«Ёш ҳуқуқшунос» ТДЮИ «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг ойлик нашри сифатида таъсис этилган. Газетанинг тақдимот маросимида БТ етакчи ва фаоллари талабаларга янги нашрнинг мазмун-моҳияти ҳамда келгуси ижодий режалари ҳақида гапириб беришди.

— Газета орқали талаба-ёшлар ҳаётини мунтазам ёритиб боришни мақсад қилганмиз, — дейди ТДЮИ «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Исомбек Рустамбеков. — Ҳозирча унда «Мамлакатимиз янгиликлари», «Ёшларимиз ташаббуслари», «Институт ҳаётини», «Барчаси талабалар учун», «Қизиқarli хабарлар» каби рунклар мавжуд. Барча материалларни талабаларнинг ўзлари тайёрлашади. Ижодкор-муаллифлар, дизайнер, фотограф, саҳифаловчилар ҳам ўзимиздан. Материалларни таҳрир қилишда эса, ўзбек тили кафедраси ўқитувчилари бизга ёрдам беришяпти. Газетамиз талабаларга бир кўришдаёқ манзур бўлди. Унинг барча саҳифалари рангли, қолаверса, ҳар бир мақола худа-беҳуда эмас, балки талабаларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг ва долзарб мавзуларда ёзилган.

Таъкидлаш керакки, ҳозир Тошкент давлат юридик институтидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти нафақат ўз даврий нашри, балки радиосига ҳам эга. «Ёшлар овози» радиоси институтида 2005 йилдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. У «Камолот»чиларга талаба-ёшлар билан мунтазам алоқа боғлаш ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш имконини беришяпти.

«Ёш ҳуқуқшунос» талабалар газетасининг тақдимот маросимида йиғилганлар нашрни такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Масалан, талабалардан бири газетани электрон форматда институт веб-сайтига жойлаштиришни таклиф этди. Шунингдек, келгусида мазкур нашрни пойтахтимиздаги бошқа олий таълим муассасалари миқёсида тарқатиш режаси борлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ҳозир «Ёш ҳуқуқшунос» газетаси ТДЮИ талабаларига етказиб берилмоқда.

Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» муҳбири

## Қувноқ ва зукко ёшлар

**Боёвут туманидаги 5-мусиқа ва санъат мактабида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Унда Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Дўстлар», 1-Боёвут енгил саноат касб-хунар коллежининг «Замин юлдузлари», 3-Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Шоввозлар-2», Боёвут саноат касб-хунар коллежининг «Билимдонлар», агросаноат касб-хунар коллежининг «Интеллигент», «Дехқонобод ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг «Кулги қироллари», Навбахор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Гап йўқ» жамоалари ташриф, савол-жавоб, ҳангома шартлари бўйича беллашди.

Қизиқarli томошаларга бой бўлган танловда «Дўстлар» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Замин юлдузлари» жамоаси иккинчи, «Шоввозлар-2» жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди. Уларга «Камолот» ЁИХ Боёвут тумани кенгаши томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Рустам КҲҶҚОРОВ



# Орзу, мақсад, натижа

Нурбек Матёқубов болалигидан она-Ватанга муҳаббат туйғуси билан ўсди. Эҳтимол, бунга қаҳрамонимизнинг кўхна Хоразм воҳасида туғилганлиги, у ерда сақланиб қолган кўплаб осори-атиқаларнинг тарихи билан қизиққанлиги сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, 6-синфда қарори қатъий эди. «Мен тарихчи-олим бўламан, юртимнинг асл тарихини ўрганаман ва бутун жаҳонга танитаман», — дерди ҳаммага.

Хозир Нурбек Урганч давлат университетининг тарих факультетида таҳсил оляпти. Университетда бу йигитга ҳавас қилмайдиганлар топилмаса керак. У жамоатчилик ишларида жуда фаол. Биринчи курсда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг гуруҳ етакчиси этиб сайланди. Ҳаракатнинг барча лойиҳаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Масалан, ўтган йили «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остидаги ёшлар фестивалида, шунингдек, «Президент асарларининг билимдон» танловида номинация ғолиби бўлди. Илмий фаолиятда ҳам ҳавас қилгулик ютуқлари бор.

Нурбек Матёқубов республика ва университет микёсида ўтказилган бир қанча илмий анжуманлар иштирокчиси. Унинг ўттиздан зиёд илмий ва оммабоп мақолалари юртимиз ва хорижий мамлакатларда чоп этилувчи илмий тўпламлар, даврий нашрларда эълон қилинган. Ўтган йили эса, Халқаро сув кун муносабати билан ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамда УрДУ ҳамкорлигида ташкил этилган илмий конференция-

да Нурбек махсус сертификат билан тақдирланди.

Жорий ўқув йилида Нурбекнинг ютуқлари яна иккитага кўпайди. Дастлаб Урганч давлат университетининг Отаназар Мадраҳимов номидаги стипендиясини кўлга киритди (бу стипендия энг фаол ва иқтидорли талабаларга берилади). Кўп ўтмай, университетга яна бир хушxabар етиб келди — 4-курс талабаси Нурбек Матёқубов ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналиши бўйича Президент стипендиати бўлди.

— Албатта, юзлаб тенгдошларим ичида бу қадар юксак эътирофга сазовор бўлиш мен учун шараф, — дейди Нурбек. — Бугун талабалик орзуларимдан бири ушалди. Университетга ўқишга кирганимда Президент стипендиати бўлишни астойдил хоҳлаганман. Бироқ орзуга осонликча эришиб бўлмайди, хоҳишнинг ўзи ҳам етарли эмас. Ҳар бир ютуқ ортида инсоннинг меҳнати, билими, куч ва ғайрати ётади. Менда ана шу хусусиятларни устозларим шакллантиришган. Дадам биз, фарзандларни доимо ўқиб, билим эгаллашга рағбатлантирарди. Кейин уни-

верситетдаги ўқитувчиларнинг кўмаги билан илм остонасига қадам ташладим. Биринчи илмий раҳбарим тарих кафедраси катта ўқитувчиси Холпошша Тангирова бўлган. Айни пайтда мен шу кафедра доцент Кудрат Машарипов раҳбарлигида «Илк ўрта асрлар Хоразм шаҳарсозлигининг долзарб муаммолари» мавзuida илмий изланишлар олиб боряпман.

— Илмий ишим археология соҳасига алоқадор, — давом этади Нурбек Матёқубов. — У миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади. Чунки илк ўрта асрлар (милоднинг IV-X асрлари)да Хоразм давлати нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон тарихий тараққиётида муҳим ўрин тутган. Бу даврда Хоразмда минтақавий ва трансминтақавий иқтисодий-маданий алоқалар ниҳоятда ривожланди, шаҳарсозлик маданияти юксак даражага кўтарилди. Шаҳарлар тарихи эса, инсоният цивилизацияси тарихининг туб илдиз манбаси ҳисобланади. Тадқиқотимнинг асосий мақсади илк ўрта асрлар Хоразм маданияти тарихини, Хоразмда кечган давлатчилик тарихи билан боғлиқ

муаммоли масалаларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни, урбанизация ва этномаданий жараёнларни ёритиш ҳамда шу аснода воҳада юзага келган илк ўрта асрлар даври Хоразм цивилизацияси масалаларини очиб беришдан иборат. Биз тарихни қанчалик чуқур, пухта, муҳими, холислик мезони асосида ўргансак, бугунги дунёни шунчалик теран англай олаемиз. Мен илмий ишимни айнан Хоразм воҳаси тарихи бўйича олиб бораётганимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Бугун Хоразм заминидан кўплаб тарихий ёдгорликлар қад ростлаб турибди. Уларнинг ҳар бири кўхна ва бой тарихга эга. Жумладан, яқинда изланишларимиз натижасида Шовот туманидаги Катқалъа ҳамда Ҳазорасп туманидаги Хумбузтепа худудидан кўплаб бебаҳо тарихий топилмалар қазиб олинди. Ана шундай бебаҳо тарихий меросимизни тиклаб, келгуси авлодга етказиш — бизнинг бурчимиз. Қолаверса, бу иш юртимизга кўплаб сайёҳларни жалб этишга ҳам хизмат қилади.

Нурбек Матёқубовнинг бўш вақтини топиш анча мушкул. У кўпинча кутубхонада илмий

манбалар устида соатлаб вақт ўтказиши, бошқа пайтда эса, университетда фаолият кўрсатётган чет тили, тарих ёки информатика тўғрақларининг бирида билимини ошириш билан банд. Дарвоқе, хорижий тилларни ўрганиш хусусида. Нурбек инглиз тилини мукамал ўзлаштирган. Бироқ бу билан кифояланмоқчи эмас.

— Немис ва француз тилларини ҳам ўрганяпман, — дейди қаҳрамонимиз. — Бу замон талабларига жавоб берадиган педагог, қолаверса, дунёнинг исталган давлатидаги тенгдошлари билан илм бобида бемалол рақобатлаша оладиган замонавий мутахассис бўлишим учун ниҳоят зарур. Тадқиқотимни муваффақиятли яқунлаб, магистрлик ва кейинчалик, докторлик диссертацияси доирасида давом эттиришни ният қилганман. Мақсадим исталган давлатидаги муносиб ҳисса қўшишдир. Ўйлайманки, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фарзанди ана шу мақсадни кўнглига тугиб яшайпти. Демак, биргалиқда биз катта натижаларга эришишга қодирмиз.

Наргиза БАҲОДИРОВА

## Юзингиздан нур ёғилар, азиз опа-сингиллар!

Аёл — бир вақтнинг ўзида рафиқа, она, келинчак, ташаббускор ва намунали ходима. У меҳр тупроғидан яралган беқиёс хилқат. Ҳайратланарлиси шуки, рисоладаги аёл буларнинг барини эплайди, эплаганда ҳам қўйилмақом қилиб, турмуш ўрғонининг, фарзандларининг, яқин инсонларининг олқишу офаринига муносиб тарзда эплайди. Бунинг учун аёлдан, эҳ-ҳе, нималар талаб қилинмайди, дейсиз? У зиммасидаги аёллик бурчини адо этмоғи учун мустаҳкам сабр, метин ирода, кучли ақл-заковат ва фаҳм-фаросат соҳибаси бўлиши керак. Жуда кўп аёлларда бу бебаҳо хислатлар мужассам.

Бугун юртимизда аёллар ҳар қачонгидан ҳам кўра эъзозу эътиборда. Уларнинг жамиятдаги ўрни ҳам тобора ошиб бораёпти. Буни биз аёлларнинг жамиятнинг исталган соҳасида қилаётган меҳнати, мамлакат ривожига қўшаётган ҳиссасидан ҳам билиб олишимиз кийин эмас.

Қизларнинг етарли билим олишлари, ўз истеъдодларини кўрсата билишлари учун ҳам барча имкониятлар муҳайё этилган. Жумладан, улар ижодий муваффақиятларга эришган бўлсалар, шунингдек, спорт соҳасида юқори натижалар эгаси бўлсалар, Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлишлари мумкин. Қизлар исталган соҳада ўзлари хоҳлаган йўналишда илм

эгаллаб, салоҳиятини намоёиш этишяпти. Масалан, олий маълумотли спорт мураббийлари бўлган қизлар таълим муассасаларида имтиёзли равишда меҳнат қилишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси қизларнинг келгусида нафақат соғлом ва баркамол аёллар, балки етук мутахассислар ҳам бўлиб етишишлари учун улкан замин бўла олади.

Аёл борки, дунё мунаввар, дейди доно халқимиз. Чиндан ҳам аёл билан ҳамма ёқ нурафшон, гўзал. Уларнинг қадри борган сари юксалиб бораётгани эса, аёлларнинг ўзларининг қалбини янада нурафшон этаётир.

Сайёра ЗУПАРОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

## Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor

Ижод аҳли ҳамиша ўзига эътибор, асарларига муносабатни кутади. Эътибор деганда, тоши энгил мақтов ёки мадҳни тушунманг. Шоир ёки ёзувчи учун асари ҳақида айтган ҳар бир сўзингиз қимматли. Зеро, хоҳ яхши баҳонгиз, хоҳ ўринли танқидингиз бўлсин, ижодкорнинг юрагида қолади. Эҳтимол, у кейинги асарларида сизнинг тўғри фикрингизни инобатга олган бўлиб чиқар...

## Ёшлар ижодига бағишланди

Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорларнинг сўнги йилларда чоп этилган тўпламлари юзасидан ўтказилган адабий гурун ҳам айнан шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли. Унда иштирок этган устоз шоир ва адиблар, тажрибали адабиётшунослар ёшлар ижодига холис ёндашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ёшларни китоблари чиқаётгани билан, аста-секин ўз ўқувчиларини топиб бораётгани билан қутлашди. Абдулла Орипов ўзининг ёшлик йилларини эслади, китоб чиқариш машаққатлари ҳақида сўзлади. Ижод ва ижодкорлик масъулияти тўғрисида ўз тажрибалари асосида маслаҳатлар берди.

— Ёнимда ҳамиша битта шеър юрарди, — деди устоз шоир. — Ўрни келиб қолса, уни тузатиб юрардим. Тузатиб-тузатиб, охири матбуотга берардим. Аммо шундан сўнг ҳам ўзим яна тузатган шеърларим бор. Айтмоқчиманки, шеър иштиёқ ва завқ билан ёзилиши керак.

Эркин Воҳидов ёш ижодкорларни ҳамиша бир-бирини қўллаб-қувватлашга, бир-бирининг ижоди ҳақида самимий мулоқотлар қилиб туришга чақирди.

— Устозларимиз бизга бир-бирларининг чиройли топилмаларингдан, ташбеҳларингдан завқланишни ўрганишлар, ўзининг ҳамроҳи, ижодкор дўстининг ютуғидан астойдил севина олган ижодкор ҳақиқий ижодкор бўлади, дердилар, — деди устоз шоир. — Мен бу тилакни сизга ҳам билдирмоқчиман. Ҳамиша фикрлашиб, ижодий баҳслашиб туришни одат қилинглр. Мутолаадан сўнг бу ижодкор учун жуда катта сабоқ бўлади.

Анжуманда адабиётшунослардан Исомжон Ёқубов, Адҳамбек Алимбеков, адиба Рисолат Ҳайдарова, устоз шоирлар Турсунбой Адашбоев ва Абдурахмон Акбар ҳам сўз олиб, ёшлар ижоди ҳақида фикр билдирдилар.

Анжуман ёш қаламкашларнинг мушоираси билан давом этди.

Элмурод НИШОНОВ,  
«Turkiston» муҳбири


Mit.uz



# — янги машаббус

Kun mavzusi

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан миллий интернет танлови эълон қилинди



Радио ихтиро қилинганидан сўнг эллик миллионлик тингловчилар аудиториясига эга бўлиш учун 38 йил талаб қилинган бўлса, телевидениега ўн уч йил, интернетга эса атиги тўрт йил кифоя қилди. Биргина 2000 — 2012 йиллар ичида дунёда интернет фойдаланувчиларининг сони 528,1 фоизга ўсгани ҳам эътиборли факт.

билим беришга хизмат қилувчи ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ziyonet.uz интернет жамоат ахборот таълим тармоғи ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу таълим тармоғида «Таълим», «Абитуриент», «Ўйинлар», «Имкониятлар», «Кутубхона», «Сайтлар», «Арбоблар», «Тадбирлар», «Муассасалар» бўлимлари ҳамда «Видео», «Блоглар», «Форум» ва «Танлов ва грантлар» каби веб-лойдҳалар фаолият кўрсатмоқда.

Илк бор ўтказилаётган миллий интернет танлови ҳам ёшларга мўлжалланган энг яхши интернет ресурсларни яратиш, таълим-тарбияга хизмат қилувчи, хавфсиз ва ахборот маданияти талабларига мос интернет муҳитига эга ахборотлашган жамиятни шакллантиришга қаратилган. Ушбу танлов «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон

Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Соғлом ахборот муҳити сари» шиори остида ўтказилаётган мазкур танловнинг тақдироти Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Унда вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутасадди-раҳбарлари, ахборот технологиялари соҳасида таълим олаётган талабалар, ижодкор ёшлар ҳамда журналистлар қатнашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган тақдимот маросимини республикамиздаги етмишга яқин олий таълим муассасаларининг барчаси онлайн тарзда кузатиб борди. Тадбирда иштирок этган мутахассислар интернетнинг чегара ёки худуд танламаслигини инобатга олиб, ёшларимиз ўзига керакли маълумотларни ишончли манбалардан олиши лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, ёшларга мўлжалланган энг яхши интернет ресурсларни яратиш, уларнинг сонини кўпай-



тириш, асосийси, таълим ва тарбияга хизмат қиладиган, хавфсиз ва ахборот маданиятига жавоб бера оладиган интернет сайтларининг сифатини ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ушбу танловда маҳаллий ва хорижий доменлардан рўйхатдан ўтган, ўзбек ва чет тиллардаги веб-сайтлар муаллифлари юртимизнинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиклол ғоялари ва маънавий қадриятларини ёритувчи энг яхши сайт, Обод турмуш йилига бағишланган материалларни ёритувчи энг яхши сайт, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаётни ёритган энг яхши сайт, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлардан олинган энг яхши фотосурат, ёшлар иштирокида ўзбек мумтоз шеърини ва адабиётини кенг тарғиб этган энг яхши ролик, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини ёритувчи энг яхши сайт, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ёритувчи энг яхши сайт, энг яхши янгиликлар сайти, Ўзбекистон табиати ва тарихий ёдгорликлари акс этган, компьютер ва бошқа элек-

трон ускуналарга ўрнатишга мўлжалланган интернет тармоғидаги энг яхши фотожамланма, шунингдек, давлат тилидаги энг яхши сайт, икки тилда яратилган энг яхши сайт, мобиль алоқа воситалари учун мўлжалланган энг яхши сайт, энг яхши дизайн, фойдаланувчилар фикрига кўра энг яхши сайт номинациялари бўйича иштирок этишлари мумкин.

Миллий интернет танловини янада самарали ташкил этиш

мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан www.mit.uz веб-сайти ишга туширилди. Танловда қатнашмоқчи бўлган ёшлар ушбу веб-сайтдан рўйхатдан ўтишлари лозим. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб-дизайнерлар, интернет фойдаланувчилари, журналист ва фотомухбирлар, ҳаваскор ижодкорлар қатнашишлари мумкин. Танловнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унга тақдим этилган веб-сайтлар нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки интернет фойдаланувчилари томонидан ҳам баҳоланади.

Танлов уч босқичда ўтказилади. Танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш ва номзодларни саралаш босқичи 2013 йилнинг 1 мартдан 1 июнигача давом этади. 1 июндан 1 августга қадар голиб ва совриндорлар аниқланади. Голиблар мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида эълон қилинади ва тақдирланади.

Тақдимот маросимида талаба-ёшлар танлов юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, саволларига жавоб олишди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда интернет дунёда шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари тизимининг бир бўлаги ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳа ривожига қаратилаётган эътибор тўғрисида ҳозир интернет юртимизнинг энг олис ҳудудларига ҳам кириб бормоқда. Шу боис биз уни турли қарашлар, фикр ва ғоялар кесишган виртуал макон сифатида қабул қиляпмиз. Бу эса, интернет тармоғидан ишончли ахборот олишни, миллий ресурсларни янада бойитишни ва миллий руҳда акс эттирилган сайтларни кўпайтиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда ўқувчи ва талабаларнинг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва



**Феруза Муҳаммаджонова,**  
«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

— Миллий интернет танловини ўтказиш ғояси uznet кенгликлариде ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилувчи, уларнинг янги билимларни эгаллашларига кўмаклашувчи, муҳими, турли соҳаларга доир ҳаққоний ва холис ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондирувчи миллий сайтларни кўпайтириш мақсадида асосланади. Тўғри, бугун миллий интернет доменида ўзбек тилидаги сайтлар оз эмас,

қолаверса, уларнинг сони кун сайин ортмоқда. Бироқ ёшларни олди-қочди гаплар эмас, чинакам фойдали ахборотлар билан таъминлайдиган, маънавий озуқа бера олувчи, қолаверса, техник жиҳатдан мукамал ишланган веб-маҳсулотлар барибир танқис. Ҳаракат ана шу бўшлиқни тўлдириш ҳамда ёшларни турли ахборот хуружларидан, зарарли ва ёт ғоялардан ҳимоя қилиш учун ташаббусни ўз қўлига олди.

**Азиз Муҳиддинов,**  
Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси бўлим бошлиғи:

— 2000 йил охирида мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 7500 нафар деб қайд этилган бўлса, жорий йилнинг бошига келиб бу кўрсаткич 9,8 миллионга етди. UZ миллий доменида рўйхатга олинган веб-ресурслар сони эса, 16 000 тани ташкил қилмоқда.

Миллий интернет танлови миллий интернет ресурсларини янада кенгайтиришга, ёшларнинг ишончли ахборот олиш имконини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли, деб ўйлайман. Бундай ташаббусни бизнинг қўмита ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.



**Улуғбек Тайлоқов,**  
Ziyonet ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими бошлиғи:

— Айни кунда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ziyonet ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, порталнинг Fikr.uz сайтида «Чет тили», «ICT for English teachers» блоглари очилди. Ушбу блоглар инглиз тилини ўргатувчи грамматик, фо-

нетик, ёзиш ва ўқиш машқлари билан бойитилган материаллар билан босқичма-босқич тўлдириб бориляпти. Бундан ташқари, «Кутубхона» бўлими ва uTube.uz сайтида ҳам «Чет тили» бўлимлари очилиб, инглиз тилини ўргатиш бўйича дарс материаллари жойлаштирилмоқда. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ва Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда www.ictenglish.zn.uz сайти очилди. Миллий интернет танлови эса ёшларга мўлжалланган миллий сайтлар сонини оширадиган, ҳар томонлама сифатли сайтлар яратилишига хизмат қилади.

**Алишер Тожиев,**  
Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси:

— Бундай танловлар бир томондан, ёшлар учун фойдали, миллий маънавий қадриятларимизга мос мазмун ва кўринишга эга ўзбек тилидаги сайтларнинг кўпайишига хизмат қилса, бошқа томондан, бундай веб-ресурсларни яратишга қўллаб-қўллаб истеъдодли тенгдошларимни жалб этиш имконини беради. Шунингдек, интернетда жамланган фотожамланмаларни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда кузатишда ҳамда юртимизнинг қанчалик бой тарихга эга эканлигига гувоҳ бўлишди.



**Рустам ЮСУПОВ,** «Turkiston» мухбири.  
Сардор Муллажонов олган суратлар

Йигит ваъда бўйича белгиланган жойга етиб келганида курант соати икки бўлишига ўн дақиқа борлигини кўрсатиб турарди. Ҳар ҳолда эртарақ келгани яхши бўлди, аммо қиз нима учун чучвара қилинадиган шу нақшинкор кафе-ошхонани танлади экан?! Учрашув учун шаҳарда чиройли хиёбону боғлар, ёшлар учун кафе-барлар тўлиб ётибди-ку. Қиз унинг курант соатига қараб, вақтни билиб туришини истаганмикан ё бошқа нияти борми?..

Қиз телефонда кафе эшигига етмай, ўнг тарафда кўйилган учинчи столни айтганди. Йигит ўша томонга қаради, у стол атрофидаги оқ пластмасса стуллардан бирида сочларини чиройли турмаклаб, бўйнига кичикроқ гулли оқ ҳарир рўмол ташлаб олган; устида гуллари оқ, оч яшимтир кўйлак; чеҳрасидан ёшлигида гўзал бўлганлигининг нуқси кетмаган олтмиш ёшлардаги истарали бир буви ўтирар, аёлларга хос каттароқ чарм сумка ёнидаги стулда турарди.

Қиз йигитга айнан шу столни айтганди. Қизиқ бўлди-ку?!

У соатига қаради: икки бўлишига етти дақиқа бор. Шу пайт йигит тўсатдан хаёлига келган фикрдан хафа бўлиб кетди. Ахир, биринчи учрашувга ҳам қуруқ қўл билан келадими?! Эҳ, хомкалла! Энди бирон нарса қилса бўлармикан?! Етти дақиқа ичида нимага ҳам улгуради! Ўзига қолса, қизнинг пуштиранг лабларидек чиройли атиргул олган бўларди. Атиргулни, унинг хуш исини ниҳоятда яхши кўради. Кейин гул қиз учун яхши совға. Лекин ҳозир уни қаердан топиб бўлади? Энг яқин гул дўконига бориб келиш учун ярим соат кетади. Кафеда совғага арзигулик нарса бўлиши амримаҳол. Гулми, совғами бўлганда гап гапга тезроқ қовушармиди...

Анави, столда ўтирган буви негадир унга тез-тез қараб кўяпти. Худди кузатаётганга ўхшайди. Ё унга шундай туюлаётганмикан? Барибир, унинг шу жойда ўтиргани, кузатишлари қандайдир қизиқ, шубҳали. Ахир, қанча столлар турганда, келиб-келиб шу ерга ўтирдими?..

Соат икки бўлишига беш дақиқа қолди! Энди у қизга бирон совға топишдан умидини узган ҳам эдики, метро томондан келаётган қирқ ёшлардаги хушбичим жувонни ва унинг қўлида ўзи орзу қилган қизил атиргулни кўриб қолди! Ҳамма нарсани унутиб, шартта аёлнинг йўлига чиқди.

— Опа, шу гулингизни менга сотинг, — деди дабдурустдан жувонга. — Илтимос. Учрашувга чиққандим, ҳеч нарса олмабман. Жон опа, аҳволимни тушунинг, яхшилигингиз Худодан қайтсин. У қиз ҳар лаҳзада келиб қолиши мумкин.

Жувон йигитнинг ялинган-

намо гапларига кулимсиради:

— Гулни бажонидил сизга берардим-у... Қаранг, анави ерда бир киши бундан ҳам чиройли атиргуллар сохтапти. Борсангиз, хоҳлаганингизни танлаб оласиз.

Йигит аёлга «рахмат» деди-ю, аёл кўрсатган томонга ўқдек учиб кетди.

Стол ёнида ўтирган буви қайсидир журнални varaқлар, ҳали-вери кетадиганга ўхшамасди. Бир-бирини илк бора кўрмоқчи бўлган йигит билан қизга тақдир йўл бермаётгандек эди, гўё. Бир хаёли, шартта бувининг олдига бориб, ҳамма гапни айтмоқчи бўлди, журъати етмади. Шу пайт метро томондан чап қўлида сумка, қора кўзойнак таққан, келишган қиз кўринди. Унинг елкасидан пастроқ

демасангиз, ҳозир бирга овқатлансак, — буви ўз мақсадига кўчди. — Бу ерда жуда мазали чучвара қилишади. Баъзан кўнгил қурғур кўчанинг овқатини тусаб қолади. Чучвара менга ўхшаш кексаларга юмшоққина таом-да. Кўчанинг чучварасини соғинсам, шу жойга келиб тураман. Хўш, ўғлим, овқат еймизми ё...

— Еймиз, еймиз, бувижон. Мен ҳозир... — Йигит ўрнидан турмоқчи эди, буви елкасидан ушлаб жойига ўтиргизди.

— Овқатни ўзлари олиб келишади, ҳув қизлардан бирини чақириб, айтсак бўлди. Ҳай, қизим, икки кишига чучвара, қаймоқ, нон, чой олиб келинг.

Ҳаял ўтмай, официант қиз

ўқиркан. Билганлар, жуда яхши оила, қиз ҳам эсли-хушли, одобли, келишган, дейишди. Балки пешонангдаги қиз шудир, балки бизларни тенг кўришмас. Шундоқ бўлса ҳам шаҳарга борганда бир кўнғироқ қилиб кўргин, деб телефон рақамини берганди.

Йигит шаҳарга қайтгач, ўн кунча ўқиш-ёзувлари билан бўлиб, қизга кўнғироқ қилолмади. Бир куни ёндафтарчасида унинг рақамини кўриб қолиб, таваккал терган эди, қизнинг «эшитаман...» деган майин овози эшитилди. Суҳайл шошиб қолиб: «Яхши қиз, мен отангизга қўшни қишлоқданман», деса бўладими?! Унинг тушунарсиз гапларидан қиз шарақлаб кулди. «Ахир, отам шаҳарда

миз, — деди буви, сўнгра ёнидаги стулдан сумкасини олиб, ичидан ниманидир излашга тушди. — Ойингиз шуни келин қилмоқчи бўлибдими, албатта, орзусига етиши керак. Бошқаси бекор.

— Қизиқ экансиз, буви, ойимнинг айтганлари бўлаверадими? Шундоқ катта шаҳарнинг қаеридан излаймиз? Яхшиси, энди уни эсламаймиз, келинликка бошқа бирор қиз топилиб қолар.

Шу пайт йигитнинг қўл телефонига «SMS»-хат келиб тушди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Бувимга хизмат қилиб чарчамадингизми?»

Йигит нималар бўлаётганини дабдурустдан тушунмади. Буви сумкасидан қўл телефонини олиб, кимгадир кўнғироқ қилди.

— Шаъбона, — деди нариги ёқдан овоз эшитилгач. — Кел энди. Овқатланиб бўлдик, уйга қайтамиз, қизим.

Метро томондан оч яшил гулли кўйлак кийган, чиройли қоматли, юзининг аллақарелари бувисиникига ўхшаб кетадиган, бир қўлида сумка, иккинчисида қалин китобни ушлаганча бир қиз келди. Суҳайл унга маҳлиё бўлиб қолди: ой деса, ойдан, кун деса, кундан гўзал турарди олдида!

— Зерикмасдан ўтирдингларми? — деди у. — Бу киши азиз бувижоним бўладилар. Менинг исмим Шаъбона, сизники-чи?

— Суҳайл, — деди йигит. У ҳамон бўлган воқеаю қизнинг чиройидан ҳайратда эди. — Бундай «томоша»нинг нима кераги борибди?

— Бу мenden чиққан фикр, ўғлим. Хафа бўлдингизми? — деди буви. — Мен эса танишув қизикроқ бўлар, деб ўйлабман. Сизнинг ота-онангизни мен ҳам, ўғлим билан келиним ҳам — ҳаммамиз яхши эслаймиз. Қишлоқдаги қариндошларимиздан бири ўқишни битираётганингизни айтганди. Шунинг учун Шаъбонанинг гапларидан унга сиз кўнғироқ қилганингизни сездик. Кейин шу кафеда учрашув тайинлаб, мени олиб боришига кўндирдим. Сизни кўриб, синаб, қандай йигитлигингизни билиб бераман, дедим. Сўнгра неварам билан шу ҳангомани ўйлаб топдик. Назаримда, йигит-қизлар учрашувидан кўра бошқачароқ, эсда қоларли бўлди-я? Хафамасмисиз?

Нима гаплигини тушуниб, ўзига келиб улгурган Суҳайл «мен ҳозир» дея тез-тез юриб бориб, метро бекатидан оппоқ гуллар дастасини олиб келди, қизил атиргулларни Шаъбонага, оқ гулларни бувисига тутқазди.

— Неварам шаъбон ойда туғилган, унга Шаъбона деб мен исм қўйганман, — деди буви йигитга.

Шаъбона. Бу исми илгари Суҳайл эшитмаган экан, лекин энди у умрининг охиригача тилидан тушмаслигига, дилидан ўчмаслигига ишончи комил эди!

# УЧРАШУВ

## ҲИКОЯ

тушган сочлари куёш нурида чўғдек товланар, ўнг қўлида, олдиндан келишганидек, қалингина китоб бор эди. Фақат бу қиз телефонда ўзи айтган оч яшил гулли кўйлақда эмасди.

Йигитнинг юраги бирдан тез-тез уриб кетди. «Балки кўйлагини алмаштиришга улгурмагандир», деб ўйлади у ва беихтиёр буви ўтирган стол ёнига борди.

— Кечирасиз, мана шу бўш жойга ўтирсам бўладими? — деб сўради шошапиша.

— Бемалол, ўғлим, — деди буви очиқ чеҳралик билан. Унинг овози кексаларга хос босиқ, мулойим эди.

Йигит бўш стулга ўтириб, иккинчисига атиргулларни авайлаб қўйди. Лекин китоб ушлаган қиз бошқа бўлиб чиқди, уларга парво қилмай, ёнларидан ўтиб кетди. Айтилган вақт бўлди. Йигит нима қилишини билмас, ҳайрон эди.

— Хафа бўлмасангиз, дилимдаги бир гапни айттай. Кўпдан бери сизни кузатайман, кимнидир кутаётганга ўхшайсиз, ўғлим, — деди буви очиқкўнгиллик билан. — Севган қизингизими? Ўзи қизлар кечикиб келишини яхши кўришади. Ноумид бўлманг, ҳали-замон келиб қолади ё кўнғироқ қилиб, нима гаплигини айтади. Келса, номига «узр» сўрайди-ю, битта ёқимли кулиб ё бир қизиқ воқеани сўзлаб, сиқилганларингизни эсдан чиқартириб юборади.

— Ҳа, учрашувга, биринчи учрашувга чиққандим, — деди йигит бувига дардининг бир учини чиқариб. — Қизни бирон марта ҳам кўрмаганман. Телефонда «келамам» деганди, келиб қолар. Келмаса, сиз билан яхшилаб танишиб оламан. Меҳрибон бувижон экансиз.

— Қиз бола келиб қолса, бўш столлар кўп, биронтасига ўтиб гаплашарсизлар. Йўқ

айтилганларни стол устига келтириб қўйди.

Йигит бир коса овқат билан пластмасса стакандаги қаймоқни бувининг олдида қўйиб, иккинчи коса билан стаканни, чойнак-пиёлаларни ўзига яқинроқ тортди.

Буви овқатдан тортиниб ўтирмас экан, «қани, овқатга қаранг», деди-ю, бир бурда нон олиб, чучварани иштаха билан ейишга тушди.

— Исмингиз нима, қаерликсиз, нима иш қиласиз, ўғлим? — деб сўради буви овқатдан тўхтаб. — Дарвоқе, келишиб олайлик. Бугун сиз меҳмонимсиз. Йигит кишига ярашмайди, деб рад этманг. Агар чучвара маъқул бўлса, бошқа яна келамиз. Ўшанда мени меҳмон қиласиз.

— Шу шарт билан бўлса, майли, розман. Телефон рақамимни бераман, ўзингиз ўша кунни белгилайсиз, буви. Исмим Суҳайл, бувим ойимларга болалигида «Меҳр ва Суҳайл» дostonини кўп айтиб берарканлар, шу исм у кишига ёқиб қолган экан. Иқтисодиёт университетини битирайман, тадбиркор бўлмоқчиман. Ўзим қишлоқданман, иложи бўлса, шаҳарда ишга қоламан.

— Илоҳим, ниятингизга етинг, ўғлим. Бўлажак келин бола ҳам қишлоқданми ё шаҳарликми? Ҳайронман, қандай қиз эканки, ваъда бериб, шу пайтгача келмаса-я. Телефон қилса бўларди...

Суҳайл бувининг кейинги гапларига нима дейишни билмади. Овқатни секин-секин чайнар экан, қишлоққа борганида онаси айтган гапларни эслади. «Ўғлим, ўқишни битирайман, энди ёшлигинг қолмади. Даданг билан маслаҳатлашиб, қўшни қишлоқдан бир яхши қизнинг телефон рақамини топиб келдим. Ота-онаси асли шу қишлоқлик, қизи беш-олти яшарлигида оиласи билан шаҳарга кўчиб кетишган. Қиз дўхтирликка

яшасалар, қандай қилиб қўшнилари қишлоқлик бўлади, — деди у кулгидан ўзини тийгач. — Телефон рақамимни кимдан олдингиз? Менимча, адашиб тушдингиз. Уйга борганда адамдан сўраб кўрай-чи, қайси қишлоқдан эканлар?».

Орадан икки ё уч кун ўтиб, қизнинг ўзи кўнғироқ қилди. Ўша кунни ростдан ҳеч нарсани тушунмаганини, уйга борганда адаси ҳаммасини гапириб берганини айтиб, йигитнинг гапларига билмасдан кулгани учун узр сўради. Сўнгра негадир исм сўрашни ёмон кўришини, лекин энди у ўзига тез-тез кўнғироқ қилиб туриши мумкинлигини қўшиб қўйди. Улар бир ойча телефонда гаплашиб юришди, бир куни қиз кутилмаганда мана шу жойда учрашишни таклиф қилиб қолди...

Буви билан йигит косадаги овқатга қаймоқ аралаштириб, нон билан охиригача паққос туширишгач, бир-бир пиёладан бостириб чой ичишди.

— Чучвара чиндан ҳам мазали экан, — деди Суҳайл. — Айтсангиз, кейинги сафар, албатта, келаман.

— Ўғлим, бояги саволимга жавоб бермадингиз, — деди буви стулга ўрнашиб ўтираркан. — Кутганингиз, яъни бўлажак келин бола қишлоқданми ё шаҳарликми? Энди биргалашиб излаймиз уни.

— Илгари ота-онаси қўшни қишлоқда яшашган экан, кейин шаҳарга кўчиб келишибди. Қиз, адашмасам, тиббиёт академиясида ўқиркан, ота-онаси, бувиси, икки та укаси билан ҳовлида яшашаркан. На келди, на кўнғироқ қилди, мени лақиллатган кўринади. Ойим ҳам айтгандилар, ўзларига тўқ оила, биз уларнинг тенги эмасмиз-ов, деб.

— Суҳайлжон, ўғлим, бўлмаса ўша қизни қидира-

# Ўзбекистон клубларида ғалаба



нинг голларига рақиб жамоа гол билан жавоб қайтаролмади.

Биринчи турдан сўнг иккала жамоамиз ҳам ўз гуруҳида пешқадам бўлиб олди. Негаки, «Пахтакор» ўрин олган «В» гуруҳида Қатарнинг «Лахвия» жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг «Аш-Шабаб»ини 2:1 ҳисобида мағлуб этган бўлса, «Бунёдкор» кураш олиб бораётган «С» гуруҳининг иккинчи учрашувида дуранг қайд этилди — «Поханг Стилерс» (Жанубий Корея) — «Бейжинг Гуоан» (Хитой) 0:0.

Чемпионлар лигасининг 2-турида «Пахтакор» 12 март куни «Аш-Шабаб» меҳмони бўлса, «Бунёдкор» 13 март куни «Поханг Стилерс»ни қабул қилади.

Ўзбекистон футболда 2013 йилги футбол мавсумидаги зафарли юришлар давом этсин.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасининг Осиё чемпионлар лигасида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоасини мағлуб этгани ҳақида хабар берган эдик. Бу ўйин ўтказилгандан бир кун ўтиб юртимизнинг яна бир жамоаси — «Бунёдкор» ҳам бу ғалабали одимларни давом этдирди.

Миржалол Қосимов шогирдлари Японияда «Санфречче Хиросима» меҳмони бўлган ҳолда, мезбон жамоани

2:0 ҳисобида мағлуб этиб қайтди. Бу йил жамоага келиб қўшилган Александр Пишур ва Фозил Мусаев-

## Ҳар бир инсон — бир тадбиркор

Яқиндагина телевизор орқали жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларининг бирида ишсизлар сони кундан кунга ортаётгани ҳақидаги хабарни кўриб қолдим. Шарҳловчи бу муаммо яқин вақтлар ичида ҳал бўлиши қийин эканлигини айтди ва мен кўз олдимга юртимизда қурилатган катта-катта саноат корхоналари, заводларни келтирдим.

Уларда яратилаётган янги иш ўринлари ҳақида, университетни битиргач, ўзим ҳам ана шундай йирик ишлаб чиқариш корхонала-

ридан бирида фаолият юритишимни ўйладим.

Мулоҳаза қилиб кўрсак, мамлакат иқтисодийети учун ҳар бир фуқаро ўзининг кат-

та ҳиссасини қўшиши мумкин. Тўғри, ҳар бир киши ўзининг йирик ишлаб чиқариш компаниясига эга бўлавермайди, бироқ кимдир янги гоёси билан, кимдир касаначиликдаги ютуқлари билан, кимдир қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиб, яна кимдир аъло ўқиши билан мамлакат иқтисодийети-га фойда келтира олади. Яхши ўқисангиз, яхши стипендия оласиз, бу оила

бюджетига, ота-онага ёрдам бўлади. Умуман, ҳар бир инсон ўзининг мамлакат олдидаги бурчини тўғри англаб етиши ва ўша бурчини бажариши билан юртга нафи тегади. Иқтисодийёт шу тариқа юксалиб бораверади.

**Баҳодир ШАМСИЕВ,**  
**Тошкент давлат**  
**иқтисодийёт**  
**университети талабаси**

Yoshlik ilhomi



### ЮКСАЛИШ СИРИ

*Боболарим дуо қилганда,  
Тинчлик бўлсин, дейишар юртда.  
Файзли бўлсин кунларимиз, дер,  
Кам бўлмайлик барака-қутда.*

*Боболарнинг сўзларида мен,  
Буюк тарих изин кўраман.  
Болаларнинг юзларида мен  
Келажакнинг юзин кўраман.*

*Ҳар бир дилда бўлса шижоат,  
Юртга жонин тикса ҳар одам.  
Шундан юксалади она юрт,  
Шундан буюк бўлади Ватан.*

### ТУГАМАЙДИГАН БОЙЛИК

*Меҳрни қарз олиб бўлмайди,  
Меҳр тугиларкан юракда.  
Бўлса инсон агарда бахтли,  
Меҳр билан бўлса керак-да.*

*Яқинлардан оласан меҳр,  
Яқинларга берасан меҳр.  
Қанча берсанг тугамас сира,  
Қайта яна кўрасан меҳр.*

*У шундайин бебаҳо неъмат,  
Тиллолар ҳам унга тенг келмас.  
Меҳр дилда кўпаяверар,  
Фақат уни аямасак, бас!*

**Шаҳноза БЕРДИРАҲМАТОВА,**  
**Чирокчи таълим касб-хунар**  
**коллежи ўқувчиси**

Ustoz-shogirdlik an'analari



## Билмаганни сўраб ўрганишади

Қўштепа туман агросаноат касб-хунар коллежида айни кунда 1108 нафар йигит-қиз таълим олмоқда. Олти йўналишда касб ва хунар сирларини ўрганаётган ёшларга 58 нафар устоз мураббийлик қиляпти.

Коллежда таълимга илғор педагогик технологияларни жорий этиш, дарс самарадорлигини ошириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Шу мақсадда рус тили ўқитувчиси Шуҳрат Асқаров ва математика фани ўқитувчиси Соткиной Норхўжаева дарс жараёнига инновацион педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича Фарғона давлат университетида тренер сифатида ўқитилди. Қишки таътил даврида эса улар дарс жараёнига янги услубларни татбиқ этиш бўйича коллеж ўқитувчилари билан билимларини ўртоқлашди.

Айни кунда бу борада математик Рустам Матмусаев, тарихчи Гўзал Мамажонова, она тили ва адабиёт фани бўйича Гули Абдуллаева ҳамда махсус фан ўқитувчиси Асқарали Ҳусанов каби ўқитувчиларнинг ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатса, арзирли.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

**СУРАТДА:** Тренер ўқитувчи Шуҳрат Асқаров ёш ўқитувчилар билан янги педагогик технологияларни дарс жараёнига татбиқ этиш бўйича тажрибасини ўртоқлашяпти.



## Photoshop энди телефонда

«Adobe Systems» корпорацияси расмларни сенсорли қурилмалар ёрдамида тахрирлаш ва қайта ишлаш имкониятини берувчи «Photoshop Touch» дастурини тақдим этди.

Асосан, смартфонлар учун мўлжалланган бу дастурда рангларнинг кўплиги, расмдаги объектлар билан ишлашда ускуналар панелининг такомиллашгани ва филтер тўпламининг янгилангани фойдаланувчига қулайлик яратади. Шунингдек, дастур «Creative Cloud» сервис билан ҳам ишлай олади. Яъни тугалланмаган ишни телефондан компьютерга кўчириб ўтказиш, сўнгга тахрирни давом эттириш мумкин. Ҳозирча дастурдан «iPhone»нинг сўнгги авлодлари билан бирга, «Android 4» операцион тизими платформасида ишлайдиган телефонларда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда дастур «App Store» ва «Google Play» каби интернет дўконларида сотилмоқда. Эслатиб ўтамиз, корпорация яна «Photoshop Express» деб номланган дастурий иловани ҳам тақдим этган бўлиб, ҳозирда у интернет дўконларида бепул тарқатилмоқда.

## Ёрдам бесамар кетди

Янги Зеландиядан минг километр узоқликдаги Маккўори оролидан сузиб келиб қолган пингвин ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.

Унга янги зеландиялик ветеринарлар томонидан бир неча кун ёрдам кўрсатилди, ҳаттоки жарроҳлик операцияси ҳам ўтказилди. Маълумотларга қараганда, у денгизда бўлган вақтида чарчаган ҳамда тана ҳарорати кўтарилиб кетган. Шунда қор еб танасини совитишга уринган. Афсуски, қор билан бирга, у кичик тошлар ва қумни ҳам еган. Бечоранинг оғирлиги олти килограммдан уч килограммгача тушиб кетган. «Хэппи Фит кичкина» дея ном олган пингвинга Веллингтон ҳайвонот боғида ғамхўрлик кўрсатилди ҳамда буйрағидаги тош ва қумлар олиб ташланди. Бешинчи кун пингвин дардин енга олмади. Эслатиб ўтамиз, бундан олдин ҳам Янги Зеландияга уч минг километрдан «император пингвин» адашиб келиб қолган эди. Унга Хэппи Фит лақабини бериб, бир неча кун мобайнида даволаб, қўйиб юборганлари заҳоти йиртқич ақула еб кетган эди.

## Янада қулайроқ

Украинанинг Киев шаҳрида жойлашган «Ocean Plaza» савдо марказида «Катта Жон» номини олган улкан ақула сотилди.

Оз эмас, кўп эмас, уч метрдан зиёдрок узунликка эга бўлган ақулага Германиянинг Штральзунд шаҳри «Ozeaneum» океанариуми харидор бўлди. Ҳозирда ақула ихтиёрида 2,6 миллион литр сув сигимига эга бўлган махсус бассейн бор. Бундан олдин Киевнинг 300 минг литр сув сигимига эга бўлган бассейнида сузган ақула учун бу анча яхши шароит ҳисобланади. Ақулани парваришлаган киевлик мутахассислар сўзлари-га қараганда, Катта Жоннинг мухлисларидан ва ҳайвонларни химоя қилиш маркази ходимларидан «Ocean Plaza» устидан доимий тарзда шикоят тушиб турган. Ақулани янада кенгроқ сув ҳавзасига ўтказишларини талаб қилишган. Энди «янги уйи»да Жон истаса, рақсга ҳам тушиши мумкин. Айни пайтда кўчириш вақтида ақулага шикаст етган. Ҳозирда немис мутахассислари унинг соғлигини назорат қилишмоқда.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

